

1/2024,
yanvar-
fevral
(№ 00069)



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ

Мардонов Баходир Бахронович

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Рақамли иқтисодиёт»
кафедраси докторанти, PhD доцент, boxodir82@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i28

Аннотация

Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида бозор механизмларнинг ўрни баён қилинган. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда бозор механизмларининг таъсири ва уни такомиллаштириш бўйича фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллиф томонидан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, меҳнат ресурслари, бандлик, рақобат, нарх, талаб, таклиф, бозор, инвестиция, бошқарув усуллари, иқтисодий усуллар, бошқарув вазифалари, ижро механизмлари.

СФЕРЫ УСЛУГ И РЫНОЧНЫЕ МЕХАНИЗМЫ

Мардонов Баходир Бахронович

Самаркандский институт экономики и сервиса докторант кафедры «Цифровая экономика», доцент.

Аннотация

В данной статье описывается роль рыночных механизмов в сферы услуг. Проанализировано влияние рыночных механизмов на развитие сферы услуг, а также мнения и соображения по ее совершенствованию. Также автором внесены предложения по совершенствованию рыночных механизмов развития сферы услуг.

Ключевые слова: сфера услуг, трудовые ресурсы, занятость, конкуренция, цена, спрос, предложение, рынок, инвестиции, методы управления, экономические методы.

SERVICES SECTOR AND MARKET MECHANISMS

Mardonov Bakhodir Bahronovich

Samarkand institute of economics and service doctoral student of the Department "Digital economy" and associate professor.

Abstract

This article describes the role of market mechanisms in the service sector. The influence of market mechanisms on the development of the service sector, as well as opinions and considerations for its improvement, are analyzed. The author also made proposals for improving market mechanisms for the development of the service sector.

Key words: service sector, labor resources, employment, competition, price, demand, supply, market, investment, management methods, economic methods.

Кириш (Introduction)

Ўзбекистонни ривожлантириш концепциясида 2030 йилга бориб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги банд аҳоли сони иқтисодиётда банд аҳоли сонининг 58,7 фоизни ташкил этиш вазифаси қўйилган [1]. Бундай кенг кўламли улкан вазифаларни бажариш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Иқтисодиёти жадал тараққий этган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда, тармоқларни бошқаришда уларнинг фаолиятини ташкил этишда нафақат иқтисодий механизмларнинг элементларини такомиллаштириш, балки соҳада бозор механизмларини жорий этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Масалан, АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея ва бошқа ғарб давлатлари миллий иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш асосида барқарор иқтисодий тараққиётга эришган. Шунундан назардан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи (Literature review)

Н.В.Василенко [2] “хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини, уни ривожлантиришнинг амалий муаммолари ва тенденцияларини тадқиқ этган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини ресурслар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан”. В.Б.Супян, С.Н.Бабич, А.Ю.Давыдов, Р.И.Зименколар [3] “XXI аср бошидаги АҚШ ривожланиш тенденцияси ва бозор моделининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш йўллари, бошқариш механизмлари, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар таҳлили, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки тўғрисида концептуал ёндашувлар баён қилинган”. М.А.Новикова [4] эса тадқиқотида “..... хизмат кўрсатиш соҳасида маркетингнинг асосий функциялари, хизматлар нархининг шаклланиш механизмлари, хизматлар бозорининг ҳолати ва унда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тартиби ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг стандартларини аниқлаган”.

Тадқиқотчилар томонидан хизмат кўрсатиш соҳасида бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича айрим усуллар таклиф қилинган. Масалан, С.Н.Макарова [5] хизмат кўрсатиш соҳасида бозор механизмининг такомиллаштириш учун давлат хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи иқтисодий субъектларини қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларни эса рағбатлантириш орқали соҳада барқарор бозор механизмининг таъминлаш усули таклиф этилган. А.А.Пороховский [6] эса ушбу масалага ноанъанавий тарзда ёндашиб, қуйидаги тавсияни берган: “соҳада бозор механизмининг такомиллаштириш учун монополияга қарши қонун ишлаб чиқиш зарур”. Н.К.Рахимов [7] ҳам С.Н.Макарова сингари хизмат кўрсатиш соҳаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиш зарур, деб ҳисоблайди. Бизнинг назаримизда, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича умум эътироф этилган ягона усули йўқ.


Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш муаммоларини методолик ўрганиш, соҳанинг иқтисодий элементларини таснифлаш бўйича диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Юқорида номлари зикр этилган иқтисодчи олимлар томонидан таклиф этган бозор механизмларининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар соҳада давлатнинг иқтисодийга аралашувини қўллаб-қувватлаган. Масалан, С.Н.Макарова соҳада бозор механизмларини жорий этиш учун қўйидаги иккита ёндашувдан фойдаланган:

Биринчиси, давлат хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи иқтисодий субъектларини қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларни эса рағбатлантириш орқали соҳада барқарор бозор механизмини таъминлаш усули (1-расм).



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳаси барқарор ривожланишининг бозор механизми.


Иккинчиси, истеъмолчилар харидини қўллаб-қувватлаш усули.

С.Н.Макарова хизмат кўрсатиш соҳасида бозор механизмини такомиллаштириш учун асосий эътиборни талаб ва таклиф элементларига қаратади. Шунингдек, у давлатнинг аҳолини хизматларга бўлган талабини шакллантиришда муҳим рол ўйнашини эътироф этади ҳамда аҳоли харидини оширишда иш ҳақининг ўзи етарли эмаслигини кўрсатади. У истеъмолчилар учун қўшимча имкониятлар яратиш (кредит, субсидия ва бошқалар) орқали хизматлардан янада кенг фойдаланишга эришиш мумкинлигини асослаб беради.

А.А.Пороховский эса ушбу масалага ноанъанавий тарзда ёндашган. У барқарор бозор механизмини таъминлашда бирон-бир молиявий элементлардан (кредит, субсидия, инвестиция, солиқ имтиёзлари, бюджет ва бошқалар) фойдаланмаган. Шу нуқтаи назардан қаралганда унинг ёндашуви С.Н.Макарованикидан фарқ қилади. Н.К.Рахимов давлат соҳанинг ривожланиши учун молиявий инвестицияларни киритиш, фискаль сиёсатни юритиш шунингдек, ахборот ва маслаҳат марказларини ташкил этиш, малакали кадрларни тайёрлаш орқали кўмаклашиш лозимлигини тушунтириб берган. Агарда тадқиқотчининг ушбу концепциясини чизмада шакллантирсак қўйидаги кўринишга эга бўлади (2-расм).


Н.К.Рахимовнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича билдирган таклифини амалда татбиқ этсак ижобий натижага эришиш мумкин. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожини кўп

жиҳатдан молиявий маблағларга ҳамда малакали кадрларга боғлиқ. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси маълум шарт-шароитлар таъсири остида ҳам ривожланади. Масалан, соғлиқни сақлаш тармоғи аҳолига сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш учун замонавий технологияларга, иншоотларга эга бўлиши лозим ва бошқалар.



2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлаш механизми.

Тадқиқотчилар ва олимларнинг аксариятлари давлатнинг иқтисодийга арилишиши орқали бозор механизмини барқарорлигини таъминлашга эришиш мумкин, деган хулосага келишган. Жумладан, Е.Глазова Е.,М. Степановалар ҳам давлат томонидан нархларни тартибга солишдаги иқтисодий усуллари кўрсатиб, бозор механизмининг барқарорлигини таъминлашда давлат иштирокининг зарурлигини эътироф этган тадқиқотчиларнинг қарашларини қўллаб-қувватлаганлар[8]. Ҳақиқаттан, ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштиришда давлатнинг иштироки таъминланса, ушбу соҳада ялпи хизматлар ҳажми ошади, нархлари эса барқарорлашади.



3-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш¹.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб ва бошқа тадқиқотчилар фикрларини умумлаштириб, хизмат кўрсатиш соҳасида бозор механизмларини такомиллаштиришнинг қуйидаги усулини таклиф этамиз (3-расм):

Биз таклиф этаётган усулнинг моҳияти шундан иборатки, хизмат кўрсатиш соҳасида бозор механизмлари давлат ҳамда ижтимоий фондлар (ҳалқаро ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий кўмаги) ёрдамида такомиллаштирилади. Бозор иқтисодиётида содир бўладиган қуйидаги ўзгаришлар хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти билан шуғулланадиган тadbirkorларга муаммо келтиради: стихияли рақобат, инфляция, ишсизлик ва шу кабилар. Ушбу муаммоларни олдини олиш, бозор механизмнинг тўғри йўналишини таъминлаш, онгли фаолиятни талаб этадики, уни ўз ҳолига қўйиб, бефарқ бўлиш инсон табиатига тўғри келмайди. Давлат ва ижтимоий ташкилотлар ёрдамида бозор механизмини тартибга солиниши соҳанинг тараққиёт даражасини тезлаштиради. Иқтисодиёти жадал ривожланган мамлакатлар бу соҳада катта ишларни амалга оширганлар. Айниқса, АҚШ, Япония, Германия, Англия каби йирик мамлакатлар ва Голландия, Дания, Швеция, Жанубий Корея мамлакатларининг бозор механизмларини такомиллаштириш борасидаги бой тажрибалари таҳсинга сазовор. Замонавий хизмат кўрсатиш турлари, инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқариш, даромадларни қайта тақсимлашнинг энг маъқул усуллари қўллаш ва бошқа иқтисодий жараёнларда давлатнинг роли жуда юқори бўлган. Уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланиш борасида эришган муваффақиятлари ибрат намуналарига айланиб бормоқда.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations)

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида бозор элементларининг таъсири катта. Масалан, рақобат - соҳани ривожланишига, жумладан, соҳанинг фаолият турларини кўпайтиришга, хизматлар сифатини оширишга, хизматлар нархини барқарорлаштиришга, умуман олганда, хизматлар бозори мувозанатини таъминлашга таъсир қилади. Агарда рақобат элементи ўз функциясини бажармаса, унда соҳа бозор иштирокчиларининг бир тарафлама манфаатига хизмат қилади. Натижада бозор мувозанатга эришмайди. Бу ўзгаришлар, биргина хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланувчи иқтисодий субъект фаолияти доирасида бўлса, бу ҳодиса мамлакат иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этмайди. Бироқ, бундай ҳодисани мамлакат миқёсида ва хизмат кўрсатиш соҳаси даражасида кўрилса, ялпи талабни камайишига олиб келиб, бозор мувозанати бузилишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. Расмий сайти: Uzbekistan2035.Uz./uz
2. Василенко Н.В. Экономика туризма и сферы обслуживания. Учебник. – Москва: НИЦ ИНФРА-М., 2022. – 439 стр.
3. Супян В.Б., Бабиц С.Н., Давыдов А.Ю., Зименко Р.И. Экономика США: эволюция модели и условиях глобализации. Учебник. – Москва: Магистр: ИНФРА-М., 2022. – 560 стр.
4. Новикова М.А. Основы маркетинга сферы услуг: учебное пособие. – Москва: НИЦ ИНФРА-М., 2021. – 192 стр.

5.Макарова С.Н. Развитие механизма управления рынком инфокоммуникационных услуг. 08.00.05-Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами- сфера слуг). Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санк Петербург 2021. С.40.

6. Пороховский А. А. Рыночный механизм американской экономики: роль цифровизации // США & Канада: экономика – политика – культура. – 2020. – Выпуск № 5 С. 24-38 . URL: <https://usacanada.jes.su/s268667300009424-6-1/> DOI: 10.31857/S268667300009424-6.

7.Рахимов Н.К. Развитие механизма государственной поддержки производителей в сфере услуг (на материалах Республики Таджикистан). Специальность 08.00.05 - Экономика и управление народным хозяйством (экономика, организация и управление предприятиями, отраслями и комплексами - сфера услуг). Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Душанбе 2022. С.21.

8. Глазова Е., Степанова М. Цены: Рыночный механизм и государственное регулирование. Мировая экономика и международные отношения. 2011.,№10.С.40-50.